






06.01.2022 yildagi №1K/22 -sonli shartnoma shartlari to'g'risidagi bitim varaqasi. MChJ "O'zERA Climate Control" QK va MCHJ «Пойтуг газ тулдириш корхонаси» o'rtasida suyultirilgan gaz Propan sotib olish uchun.

Shartnoma mavzusi	Suyultirilgan gaz Propan sotib olish uchun.			
Shartnomaning umumiy summasi	420 000 000 (to'rt uz yigirma million so'm).			
Boshqa shartlar	Hisob faqтурaga asosan.			
Ijro muddati	31.12.2022 yil			
Ijrochi	TO'LIQ ISM.	Qambarov B.	Imzo	
Bo'lim boshlig'i		Nishanov U.		
Kelishilgan	Fikr			Imzo
Bosh direktor o'rinbosari				
Mahalliyashtirish bo'yicha bosh direktor o'rinbosari				
Bosh hisobchi				
Rejalashtirish bo'limi				
Yuridik maslahatchi				

ШАРТНОМА № 1К/22
(суюлтирилган газ етказиб бериш буйича)

«6» январь 2022 йил

Пойтуг ш.

Бир томонда «*Пойтуг газ тулдириш корхонаси*» маъсуляти чекланган жамияти директори Э.Э. *Джемилева*, корхона уставига асосан фаолият юритиб, куйида «*Етказиб берувчи*» деб юритилувчи, иккинчи томондан «*O'zERA Climate Control*» ҚК бош директори *Бакиев М.А.* корхона уставига асосан фаолият юритиб куйида «*Харидор*» деб юритилувчи тузадилар ушбу шартномани куйидаги мазмунда.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ.

«Етказиб берувчи» «Харидор» корхонасига биржадан олинган нархидан келиб чиқган холда махсулот-суюлтирилган газнинг хар бир тоннасини учун тахминий нарх 6 000 000 сум буйича жами 70 тонна микдорда 420 000 000 сумлик махсулотни 2022 йилда куйидаги муддатда етказиб беради.

Улчов Бирлиги	Олинаетган газнинг микдори	ОЛИНИШ МУДДАТИ				Тараси ва ташиш транспорт тури
		1-чорак	II-чорак	III-чорак	IV-чорак	
Тонна	70	20	15	15	20	Уз транспорт билан ва узининг тарасида.

Суюлтирилган газнинг биржадан сотиб олиш нархи узгарганда, сотиш нархи ҳам узгаради.
«Харидор» эса махсулот учун олдиндан 100% пулини тулаб беради.
Махсулот микдори тарозида тортиш йули билан улчанади.

II. ШАРТНОМА КИЙМАТИ ВА ТУЛОВ ШАРТЛАРИ.

- 2.1. Шартнома бахоси 420 000 000 сумни ташкил килади.
- 2.2. Шартнома нархи уз ичига кушимча киймат солигини олади.
- 2.3. «Харидор» бир ойда оладиган махсулот нархининг 100% ни олдиндан 5 банк куни ичида тулайди.
- 2.4. Шартнома нархига «Харидор» транспорт ва техник хизматлар (цистерналарни, сигимларни, бакларни, газ баллонларни техник куриги ва таъмири) учун калькуляция буйича кушимча хак тулайди.

III. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТИ.

3.1. «Етказиб берувчи» :

- махсулотни давлат стандарти – ГОСТ 20448-90га жавоб берадиган холда харидорнинг буюртмасига мувофик келишилган вақтида (ойлар буйича) етказиб беради:
- махсулотни «Харидор» нинг транспорти ва тараси газни юклар жунатиш талабига жавоб берадиган холатда (тегишли органлардан муддат ва сифат буйича куриқдан утган ва рухсатнома бор) булгандагина, унинг ишонч когозига асосан берилади.
- махсулот «Харидор»нинг махсус цистерна ва бакларда юкланганда, «Харидор» «Етказиб берувчига» цистерналарини сигимларини, бакларини паспортини курсатиши шарт.

3.2. «Харидор» :

- махсулотни уз вақтида (чораклар буйича ва ой, кунлар буйича кушимча келишув асосида) олади ва пулни олдиндан тулаб беради.
- газ «Етказиб берувчи»нинг автомашиналарида жунатилганида, бошка харажатларидан ташкари «Етказиб берувчи» такдим килган калькуляцияга асосан транспорт харажатлар (ижара хаки ва бошка харажатлар) ни ҳам 10 кун ичида тулаб беради.
- Бундан ташкари цистернада жунатилганда жунатилган кундан бошлаб 1 кун ичида кайтарилишини таъминлайди.
- махсулотни кабул килиш «Етказиб берувчи»нинг манзилида амалга оширилади.

IV. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИЛИШИ ВА ТУЛОВ МУДДАТИ.

- 4.1. «Етказиб берувчи» махсулотни шартнома имзолангандан сунг туловни олдиндан 100% оширган кундан бера бошлайди.
- 4.2. Махсулотни кабул килиш «Етказиб берувчи»нинг манзилида амалга оширилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА УНДАН ОЗОД ХОЛЛАР.

5.1. «Етказиб берувчи»:

- махсулотни етказиб беришни кечиктирганида хар бир кун учун кечиктирилган махсулот кийматининг 0,5% фоизи микдорда, аммо жами кечиктирилган махсулотнинг 50% фоздан ошмаган кийматда жарима тулайди.

- «Етказиб берувчи» узи суюлтирилган газ ишлаб чикармаганлиги сабабли газ сифатига ва шартномада курсатилган хажмидаги газни тулик етказиб беришига кафолат бермайди.

5.2. «Харидор»:

- махсулотнинг кийматини вақтида туламаса хар кечиктирилган кун хисобига кечиктирилган туловнинг 0,4% микдорда, аммо жами кечиктирилган туловнинг 50%дан ошмаган кийматда жарима тулайди.

5.3. «Харидор» махсулотнинг уз вақтида олмаганида, бир ойлик режалаштирилган газ микдори кейинги ойларда берилмайди. «Етказиб берувчи»нинг айби билан булган холда ташкари.

5.4. «Етказиб берувчи» газни куйиб бергани ва «Харидор» кабул килганидан кейин «Харидор»нинг тараси ва автоцистернаси носозлиги туфайли газни кам чиқиши холати руй берганида жавобгар булмайди.

VI. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

6.1 Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни тулик ёки кисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва бу холатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Конун хужжатларида белгиланган тартибда куриб чикилади.

VII. ШАРТНОМАГА УЗГАРТИРИШ, КУШИМЧАЛАР КИРИТИШ ВА НИЗОНИНГ ХАЛ ЭТИЛИШИ.

7.1. Шартномага хар икала томон учун кушимча ва узгартиришлар факат хар икки томоннинг розилиги билан киритилади.

7.2. Шартномани тузиш ва унинг ижроси буйича келиб чикадиган низолар икки тамонлама хал килинмаганида, айбдор томон жойлашган худуд Хужалик суди оркали хал килинади.

VIII. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

Шартнома хар икки томонлама имзоланиб мухри куйилганидан бошлаб кучга киради «31» декабрь 2022 йилгача хамда томонлар мажбуриятларини тула амалга оширгунча амалда булади.

Томонларнинг розилиги билан, яъни бир томоннинг мажбуриятини бажармагани холда жарима ва келтирилган зарарни уз хохиши билан туланиши натижасида иккинчи томоннинг розилиги билан шартнома муддатидан аввал бекор килиниши мумкин.

Ушбу шартнома 2 нусхада тузилган булиб, барча нусхалари бир хил юридик кучга эгадир.

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»




«Пойтуг газ тулдириш корхонаси»
масъулияти чекланган жамияти
Х.р: 20208000104347011001
МФО: 00654; Избоскан туман Халк
банки 3577
ИНН: 205168920; ОКОНХ: 90214
Тел 83743122972, 83743124452







Э.Э. Джемилева

«ХАРИДОР»

МЧЖ "OZERAЕ CLIMATE CONTROL"
Узбекистон-Жанубий Корея кушма
корхонаси
Адрес, Пр-т. Бабура, 73-а
ИНН301724521; МФО: 00069
Р/С: 20214000904871270001
Банк: АНДИЖОН Ш., "АСАКА" АТ

М.А. Бакиев.



Хизмат хати / OFFICIAL LETTER	Бажарувчи	Бўлим бошлиғи	Юристоконсу льт	Бош директорнинг ишлаб чиқариш буйича уринбосари	Бош директор ўринбосари
				 05.01.21	
Хужжат №/Doc. №	№ PUR- 05/01		Сана/Date of issue	05.01.2022 й.	
Жўнатувчи бўлим/ Dispatch dep-t	Харид бўлими.		Олувчи бўлим/Receiving dept.		
Жўнатувчи /Charger	Нишанов У.А.		Олувчи/Recipient		
Мавзу/Subject	Тўғридан тўғри шартнома тузиш тўғрисида.				
<p>Ушбу орқали Сизга шуни ёзиб маълум қиламизки, ишлаб чиқариш эҳтиёжидан келиб чиқган холда, ҳамда ПҚ-3953 қарорининг №22 бандига асосан (Бензин, суюлтирилган ва сиқилган газ, дизель ёқилғиси ва кўмир маҳсулотлари) сотиб олиш учун МЧЖ "Пойтуг газ тўлдириш корхонаси" корхонаси билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга рухсат беришингизни сўраймиз.</p> <p>* Шартнома суммаси -400 000 000 сўм</p>					
<p>Рухсат бераман:</p>  <p>Бош директор Бакиев М.А.</p>					

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 27 сентябрь,
ПҚ-3953-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сонли қарорига
ИЛОВА

Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)

РЎЙХАТИ

1. Қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг алоҳида махсус савдо майдончаларидаги электрон (биржа) савдолари натижаларига кўра харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар).

2. Давлат буюртмачиси фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ хизмат сафарлари учун ва бошқа ҳолатлардаги чипталар (авиа, темир йўл ва йўналиш транспортига).

3. Давлат буюртмачиси фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ хизмат сафарлари ва бошқа ҳолатлардаги яшаш харажатлари.

Олдинги тахрирга қаранг.

4. Аввал тузилган шартномалардаги етказиб берувчилар билан алоқа, интернет ва телерадиоузатиш хизматлари бўйича харидлар.

(4-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги ПҚ-4544-сонли қарори тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.12.2019 й., 07/19/4544/4111-сон)

5. Бошқа етказиб берувчи томонидан хизмат кўрсатиш имконияти бўлмаган тақдирда, етказиб берувчи томонидан аввал олиб келинган товарлар (ишлар, хизматлар)га кафолат муддати тугагандан кейин ва жорий хизмат кўрсатиш (эҳтиёт қисмларни харид қилиш), шунингдек, аввал харид қилинган дастурий маҳсулотни кузатиш ва (ёки) уни функционал кенгайтириш.

6. Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддаларни сақлаш ва олиб кириш (олиб чиқиш).

7. Банк (банклараро) хизматлар ва операциялар.

8. Муаллифлик назорати (хамроҳлиги) бўйича хизматлар.

Олдинги тахрирга қаранг.

9. Вазирлик (идора, муассаса) ва унинг таркибидаги ташкилот (муассаса) ўртасида товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харид қилиниши.

(9-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги ПҚ-4544-сонли қарори тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.12.2019 й., 07/19/4544/4111-сон)

10. Спорт, маданий-оммавий тадбирлар, кўрғазмалар, ярмаркалар, анжуманлар, семинарлар ва ўқув машғулотларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналарни ижарага олиш.

11. Хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг расмий делегациялари ташрифларини таъминлаш (меҳмонхона, транспорт хизматлари кўрсатиш, асбоб-ускуналарни ижарага олиш, озиқ-овқат таъминоти, таржимон хизмати), эсдалик сувенирлари, совғалар, гуллар ҳамда гул билан безатиш, ваколатхоналар учун қабуллар (кечки овқат, фуршет, кофе-брейк ва бошқалар) ўтказиш, концерт дастурлари, баннерлар ва буклетлар тайёрлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат делегациясининг хорижий мамлакатларга ташрифи билан боғлиқ харажатлар.

Олдинги тахрирга қаранг.

12. Оммавий ахборот воситаларида матбуот анжумани, брифинг, мавзули телекўрсатув ва бошқа тадбирларни ўтказиш, реклама жойлаштириш, мақола чоп этиш.

(12-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4678-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.04.2020 й., 07/20/4678/0440-сон)

Олдинги таҳрирге қаранг.

13. Фавқулодда ҳолатларда ваколатли идоралар томонидан тасдиқланадиган табиат ходисалари, эпидемиялар ва касалликлар тарқалишининг олдини олиш ёки унинг оқибатларини бартараф этиш учун бошқа зарур товарлар (ишлар, хизматлар).

(13-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 07/20/4938/1680-сон)

14. Турар ёки нотурар жойни (иншоотни) харид қилиш ёки ижарага олиш, шунингдек унинг таъминоти бўйича эксплуатация харажатлари.

15. Табиий офатлар ва техноген ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш;

давлат буюртмачисининг тўлақонли фаолият олиб боришига таъсир кўрсатувчи коммуникациялар, механизмлар, жиҳозлар ва бошқа асбоб-ускуналарнинг ишдан чиқиши ҳолатларида аварияларни бартараф этиш учун товарлар (ишлар, хизматлар).

16. Даврий нашрлар (газеталар, журналлар)га, шу жумладан уларнинг электрон вариантларига обуна бўлиш.

Олдинги таҳрирге қаранг.

17. Мажбурий суғурталаш бўйича ҳамда давлат тиббий суғуртаси доирасидаги хизматлар.

(17-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.05.2021 й., 07/21/5124/0487-сон)

Олдинги таҳрирге қаранг.

18. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган рўйхат бўйича дори воситалари ва тиббиётда қўлланиладиган буюмлар.

(18-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4678-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.04.2020 й., 07/20/4678/0440-сон)

19. Маданий-оммавий тадбирларга чипталар.

Олдинги таҳрирге қаранг.

20. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, вазирликлар, идоралар, давлат корхоналари ва муассасаларининг сиҳатгоҳлари ва соғломлаштириш муассасаларига, шунингдек, болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар.

(20-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4629-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2020 й., 07/20/4629/0258-сон)

21. Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчилари ёки уларнинг расмий дилерлари ва дистрибьюторларидан харид қилинган янги автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникалари.

22. Бензин, суюлтирилган ва сиқилган газ, дизель ёқилғиси ва кўмир маҳсулотлари.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира фондидан, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туман ва шаҳарлар бюджетлари захира фондларидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар).

24. Муаллифлик ҳуқуқи учун мукофотлар (муаллифлик гонорари).

25. Махсус ва хизмат автотранспорти воситаларини, шунингдек, тиббиёт ускуналарини таъмирлаш бўйича хизматлар.